

Ақийда дарслари (61-дарс). Аллоҳ беҳожатдир, сизлар фақирсизлар (иккинчи мақола)



17:39 / 25.11.2019 4030

У халойиқни халқ қилганидан бошлаб «Холиқ» исмини олгани йўқ. Мавжудотни пайдо қилганидан бошлаб «Бориъ» исмини олгани йўқ.

Бу жумла ўтган маънога мисол тариқасида келтирилди. Чунки агар азалдан Аллоҳнинг «холиқлик» ва «бориълик» сифати бўлмаганида, бу икки васф махлуқотларни вужудга келтиргандан кейин зоҳир бўлиши лозим бўларди. Уларни вужудга келтиришдан олдин Аллоҳ таоло бу икки васфнинг зидди билан сифатланган бўлиши керак бўлар эди. Бу эса нуқсон бўлиб, Аллоҳни ундан поклаш лозим.

Аллоҳ таоло халойиқни халқ қилганидан кейин ушбу икки сифат ила сифатланаётгани каби, халойиқни халқ қилишидан олдин ҳам у иккиси ила сифатланган эди. Бу ерда фарқ фақат тааллуқдадир. Борлиқни вужудга келтириш ва халойиқни яратишдан олдин бу икки васф ҳеч бир нарсага тааллуқли эмас эди. Вужудга келтириш ва яратишдан кейин эса Аллоҳга тааллуқ қилдилар.

Вужудга келтириш ва яратишдан аввал ҳам бу икки сифат Аллоҳ таолога тааллуқли эди. Аммо буни Аллоҳ таолодан бошқа билувчи йўқ эди. Аслида вужудга келтириш ва яратишдан мақсад ҳам Ўзини зоҳир қилиш эди. Бас,

вужудга келтириш ва яратишдан сўнг Аллоҳ таолода бу икки сифатнинг борлиги аён бўлди. Зеро, Аллоҳ таоло Ўзига тегишли бўлган сифатларини мана шу тарзда аста-секин ошкор эта бошлади. Чунончи, Холиқлигини билдириш учун халойиқни халқ қилди. Роҳманлигини билдириш учун зулмни яратди ва ҳоказо.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китоби